

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
RAHBARI

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Раиси
Т.К. Нарбаевага

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери Н.М.Исмоиловга

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Ариповга
Вазирлар Маҳкамаси – А.Ж.Раматов, Ж.А.Қўчқоров, С.У.Умурзаков,
Б.А.Мусаев, Ш.М.Ғаниев, А.А.Абдухақимов, О.М.Умаровга

Ҳисоб палатаси (Б.Турабовга)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Н.Йўлдошевга)
Вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари (рўйхат бўйича)

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар
Кенгаши Раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига

Худудларда ипотека дастурларини амалга ошириш, кўп квартиралли уй-жойлар массивларини барпо этиш, уларни инфратузилма билан таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан жорий йил 28 майда ўтказилган йиғилиш Баёни **Давлат Раҳбарига ахборот берилди.**

Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши Раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари дастурларда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга сўзсиз эришиш, кўп қаватли уй-жойлар ва уларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларни тўлиқ ижросини таъминлашда **шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилди.**

Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатасига Баён топшириқлари ижросини назорат қилиш ҳамда ижрочилар иштирокида мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш **топширилди.**

Р.Ғуломов, А.Раҳмоновга – назорат


3. Низомиiddинов

2021 йил “14” июнь
№ 02-РА 1-9944

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигида
2021 йил 28 май куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган
видеоселектор мажлисининг 31 - сонли**

БАЁНИ

Раислик қилувчи: **Ш.М. Мирзиёев – Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Қатнашганлар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Қонунчилик палатаси Спикери, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси кўмиталар раислари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, Президент маслаҳатчилари ва уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, Бош прокурор, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши Раислари, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари *(рўйхат бўйича)*

КУН ТАРТИБИ:

Худудларда ипотека дастурларини амалга ошириш, кўп квартирالي уй-жойлар массивларини барпо этиш, уларни инфратузилма билан таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Мирзиёев, Раматов, Ишметов, Закиров, Ш.Хидоятов, Ибрахимов, Артикходжаев, Хидоятов, Мавлонов, Зарипов, Жамалов, Абдуразаков, Худайбергенов, Мирзаев, Маматов, Бозаров, Мирзиёев)

Қайд этилсинки, жорий йилги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳолини уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирлари доирасида **7 минг 794 та** қишлоқ ва маҳаллаларда бажарилиши лозим бўлган аниқ ишлар белгиланиб, бунга **18 триллион сўм** маблағ йўналтирилмоқда.

Бундан ташқари, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ички йўللарни қуриш ва таъмирлаш ишларига яна қўшимча **300 миллион доллар** ажратилди.

Натижада, биргина ичимлик суви таъминоти соҳасида **744 миллиард сўм** ҳисобига, **1 минг 400 километр** тармоқлар қурилиб, реконструкция қилинган бўлса, ички йўллارни таъмирлаш бўйича **1 триллион сўмлик** ишлар бажарилди, **8,5 минг километр** йўللар таъмирланди.

Шунингдек, ўтган даврда **2 минг километр** электр тармоқлари тортилиб, **800 та** трансформаторлар янгиланди.

Лекин, барча соҳалар ва ҳудудларда ҳам ишлар бир хилда сифатли бажарилмоқда, деб бўлмайди. Мисол учун, жами **267 та (14 фоиз)** ижтимоий соҳа объектларининг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмаган бўлса, **610 та (47 фоиз)** объектлар бўйича тендерлар якунланмаган.

Сўнги 3 йилда умумий майдони **41 миллион квадрат метрли 155 мингта хонадон** фойдаланишга топширилиб, кўп квартирали уй-жойлар сони **2 бараварга** ошди. Янги уй-жойлар ва замонавий массивлар сонининг ошиши билан кўп квартирали уй-жойларга хизмат кўрсатишнинг долзарблиги ортиб бормоқда.

Ўтказилган сўровлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, **35 фоиз** аҳоли кўп-каватли уй-жойларга кўрсатилаётган хизматлардан мутлақо норози, **65 фоиз** аҳоли ширкатлар ишини амалда сезмаяпти.

Республика бўйича **40 фоиз (14 мингта)** кўп квартирали уйларнинг фойдаланиш муддати ўтган, қарийб **7 мингтаси** таъмирталаб ва **668 таси** авария ҳолатида, шундан **211 таси** яшашга яроқсиз.

Шу билан бирга, марказлашган иссиқлик тармоқларига **15 мингта** турар жой уланган бўлса-да (**40 фоиз**), **2 минг километр** иссиқлик тармоғи (**50 фоиз**) яроқсиз аҳволда, тармоқдаги йўқотишлар ўртача **40 фоизни** ташкил этмоқда.

Жорий йилда ипотека дастури доирасида қишлоқ ва шаҳарларда **46 минг** хонадонга эга **1,1 мингта** кўп квартирали уйлар қуриш режалаштирилган.

Янги қурилаётган турар-жой массивларига **185 километр** ичимлик суви, **290 километр** оқова сув тизими, **130 километр** электр, **110 километр** табиий газ тармоқлари қурилишини амалга ошириш зарур. Бунга талаб этиладиган **415 миллиард сўм** маблағларнинг манбалари тўлиқ ҳал этилган.

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган ҳисоботлар ва билдирилган таклифларни атрофлича муҳокама қилиб, йиғилиш **қарор қилади:**

1. Бош вазир ўринбосарлари А.Раматов, Ж.Қўчқоров Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **икки ҳафта** муддатда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритилган барча объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини якунласин ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишларини бошласин.

Бунда биринчи навбатда, **бир ҳафта** муддат ичида мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва тиббиёт муассасалари каби ижтимоий соҳа объектлари бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши якунига етказилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

2. Бош прокуратура (Мавлонов), Ҳисоб палатаси (Турабов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (Бурханов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан доимий назоратни кучайтирсин ҳамда **ҳар ҳафтада камида** иккитадан вилоятга чиқсин ва жойлардаги муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича маҳаллий ҳокимликларга амалий ёрдам кўрсатсин.

3. Дастурларда белгиланган тадбирларни ўз муддатларида ва сифатли яқунлаш, шунингдек, қўйилган мақсадларга сўзсиз эришиш мақсадида **қолоқликлар мавжуд ҳудудларга** қуйидаги раҳбарлардан иборат масъуллар бириктирилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.Худайбергенов – **Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятига;**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Раматов – **Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларига;**

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.Исломов ва Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари С.Саидкаримов – **Тошкент вилоятига;**

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари А.Усмонов – **Тошкент шаҳрига;**

Ички ишлар вазири П.Бобожонов – **Хоразм вилоятига;**

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Маматов – **Бухоро вилоятига;**

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Б.Парпиев – **Сурхондарё вилоятига;**

Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари А.Қўлдошев – **Сирдарё вилоятига.**

Масъуллар жойларга чиққан ҳолда, дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишларга кўмаклашсин ҳамда барча масалаларни жойида ҳал этишга ёрдам берсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.Худайбергенов республиканинг олис ва оғир ҳудудлари ҳамда узоқ қишлоқларда олиб борилаётган ободонлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини бориши юзасидан ахборотни **ҳар ҳафта** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижро этувчи аппаратида киритиб борсин.

Белгилаб қўйилсинки, Президент маслаҳатчиси Т.Худайбергенов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов бириктирилган ҳудудлардан ташқари, барча ҳудудларда ишларнинг боришига ҳамда муаммоларни жойида ҳал этилишига **шахсан масъул ва жавобгардирлар.**

5. Бош вазир ўринбосари А.Раматов, Қурилиш вазирлиги (Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда дастурларда 2021 йил учун белгиланган барча **ишларни жорий йил 1 октябрга қадар** яқунлаш чораларини кўрсин.

6. Бош вазир ўринбосарлари А.Раматов, Ж.Қўчқоров, Б.Мусаев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳар ҳокимлари билан биргаликда **бир ой муддатда** тендерлардан иқтисод қилинган маблағларни тегишли ҳудуддаги инфратузилма ва ижтимоий масалалар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш бўйича объектлар кесимида аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

7. Навоий вилояти ҳокимлигининг (Турсунов) 2018–2022 йиллар учун мўлжалланган республика шаҳар посёлкаларининг бош режалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш дастури бўйича 2021 йилда Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги “Лангар” ва “Кўрғон” шаҳар посёлкалари ўрнига аҳоли пунктларининг зичлигини ҳисобга олган ҳолда, шу туманнинг “Жалойир” ва “Пахтакор” шаҳарчаларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қурилиш вазирлиги (Закиров), Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Навоий вилояти ҳокимлиги (Турсунов) мазкур таклиф асосида 2021 йилда Навоий вилояти Хатирчи туманидаги “Жалойир” ва “Пахтакор” шаҳарчаларининг бош режасини ишлаб чиқсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев), Молия вазирлиги (Ишметов), Навоий вилояти ҳокимлиги (Турсунов) **бир ой муддатда** Томди, Учқудук ва Конимех туманларига қумда юра оладиган учта тез ёрдам машинаси етказиб бериш чорасини кўрсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига (Худайбергенов) ахборот берсин.

9. Ўтказилган сўровлар натижалари бўйича тайёрланган ахборотга асосан **35 фоиз** аҳоли кўп квартирали уй-жойларга кўрсатилаётган хизматлардан мутлақо норози, **65 фоиз** аҳоли уй-жой мулкдорлари ширкатлар ишини амалда сезмаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.Хидоятговга, унинг ўринбосарларига (Саифназаров, Назиров, Турсунов) вазирлик тизими олдида кўп квартирали уй-жойларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва уй-жой фондини янгилаш, соҳада коррупцияни йўқотиш вазифалари устувор этиб белгилаб кўйилсин.

10. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятгов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, барча туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун уларга бошқарув-сервис компанияларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратсин.

11. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.Хидоятгов Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Артикходжаев, Тошкент вилояти ҳокими Д.Хидоятгов билан **жорий йил 1 августга қадар** бошқарув-сервис компаниялари билан ишлаш бўйича Юнусобод тумани ва Чирчиқ шаҳрида “**намунавий тажриба**” яратиб, танлаб олинган шаҳар ва туман ҳокимларининг қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш бўйича ўринбосарларини янги тизимда ишлашга ўқитсин.

12. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Тошкент шаҳар ҳоқими Ж.Артикходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар) лар ҳокимлари, соҳа мутасаддиларидан иборат гуруҳларни Юнусобод тумани тажрибаси билан таништириш учун Тошкент шаҳрига хизмат сафарларини ташкил қилсин (ўзаро келишув ва график асосида).

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Рахмонов) Юнусобод туманида ташкил этилган бошқарув компанияси томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан батафсил маълумотларни **ҳар ой якуни бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

13. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов, Назиров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой муддатда** бошқарув-сервис компаниялари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизимини жорий қилсин.

Бунда хизмат сифати, таъмирлаш бригадаси мавжудлиги, молиявий ҳолати, аҳолининг фикри асосида баҳоланиши ва рейтинги яхши бўлса, хизмат кўрсатадиган уй-жой сонини кўпайтириб бериш масалалари кўзда тутилсин.

14. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда барча бошқарув-сервис компанияларида **24 соат “онлайн”** ишлайдиган буюртма бериш марказларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Бошқарув-сервис компаниялари қошида ташкил этилган **24 соат “онлайн”** ишлайдиган буюртма бериш марказлари фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига (Эрдонов) юклансин.

15. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов), Давлат солиқ кўмитаси (Қудбиев) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси вазифаларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг ваколатларини кенгайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой муддатда** кўп хонадонли уй-жой фонди умумий мулкни ва унга туташ ҳудудларни сақлаш учун мулкдорларнинг мажбурий бадаллари ёки тўловларнинг энг кам миқдорини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари томонидан тасдиқлаш тизимини ишлаб чиқсин.

Бунда:

худудий уй-жой коммунал хизмат бошқармаси тариф параметрларини бандма-банд асослаб, қиладиган ишлари ва кўрсатадиган хизматлари бўйича режаларини тақдимот қилиш;

кўп квартирали уй-жойларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хизматлари учун тарифларни ўрнатилган тартибда шакллантириш ва белгилашда истеъмолчилар учун кўрсатиладиган хизматлар таннархини тўлиқ қоплаш, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қилинадиган ҳаражатларни ҳисобга олиш назарда тутилсин.

17. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров), “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда “Обод қишлоқ” дастури доирасида қишлоқларда ташкил этилган қурилиш материаллари савдосини янада ривожлантириш чораларини кўрсин ҳамда мунтазам равишда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Нарбоевага ҳудудларда кўп квартирали уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бориши бўйича вилоят, туман Кенгашларининг депутатлари гуруҳлари томонидан жойига чиқиб ўрганиш тизимини жорий қилиш тавсия этилсин.

Мазкур гуруҳларга соҳада юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, Кенгашлар йиғилишлари муҳокамасига киритиш ҳамда муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифалари топширилсин.

19. Молия вазирлиги (Ишметов), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Маматов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** Вазирлар Маҳкамасига Ижтимоий реестрга кирган эҳтиёжманд оилаларга уй-жойларни сақлашга мажбурий тўловлар учун субсидия ажратиш бўйича таклиф киритсин.

20. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов):

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимликларнинг таклифлари асосида “Кўп қаватли уйларнинг ертўлаларидан фойдаланишдаги чекловларни қисқартириш тўғрисида”ги Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

21. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой муддатда** эксперимент доирасида танланган бошқарув ташкилотларига тегишли массивлар ва кўп квартирали уй-жойларни бириктириш бўйича зарур чора-тадбирларни яқунласин.

22. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.Ҳидоятлов **бир ҳафта муддатда** ўзи ва барча ўринбосарларини, шунингдек, ҳудудий бошқарма бошлиқларини жойларда ҳокимликлар билан ишлаш графигини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин. Барча даражадаги ҳокимлар вазирлик раҳбарияти билан ўзаро ҳамкорликда ишларини ташкил этсин.

23. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

илғор хорижий тажрибалар асосида Тошкент шаҳридаги кўп квартирали уй-жойларни бошқаришга янги ёндашув ва замонавий бошқарувни (кластер усули) йўлга қўйиш бўйича тақдимот ўтказсин.

Тақдимот якунлари бўйича **икки ой муддатда** тегишли қарор лойиҳасини тайёрласин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

24. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 январдан** бошлаб мажбурий тўловларни биллинг тизимида амалга оширишнинг ягона электрон платформасини ишга туширсин.

Бунда, мулкдорлар, хонадон майдони, тариф миқдори, қарздорлик, хизмат кўрсатувчи ташкилот харажатлари ва даромадлари сметаси ҳақидаги маълумотлар шакллантирилсин.

25. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов), Қурилиш вазирлиги (Закиров) **бир ой муддатда** қурилиш ташкилоти янги қурилган кўп квартирали уйларни бошқарув компанияси ташкил қилган ҳолда, икки йил давомида сақлашни таъминлашни назарда тутувчи тизим яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф тайёрласин.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари барча туман ва шаҳар ҳокимликлари Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) билан биргаликда ҳудудларда **жорий йил якунига қадар** бошқарув компаниялари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув марказларини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин.

27. Жорий йилда республикадаги **211 та** авария ҳолатидаги 2 қаватли уйларни реновация асосида янгидан қуриш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ишларига уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг ўринбосари Н.Назиров вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шахсан масъул қилиб белгилансин.

28. Қорақалпоғистон Республикаси (Камалов, Сариев) – **20 та** икки қаватли уй-жой, Андижон вилояти (Абдурахмонов) – **4 та**, Бухоро вилояти (Зарипов) – **28 та**, Наманган вилояти (Абдуразақов) – **5 та**, Сурхондарё вилояти (Боболов) – **4 та**, Тошкент вилояти (Хидоятлов) – **17 та**, Хоразм вилояти (Эрмонов) – **3 та**,

Фарғона вилояти (Бозаров) – **1 та**, Тошкент шаҳри (Артикходжаев) – **22 та** икки қаватли авария ҳолатидаги уй-жойларни **бир ой муддатда** реновация асосида тадбиркорлар томонидан қурилишини амалга ошириш бўйича барча ташкилий масалаларни (уй-жой эгасини рози қилиш, ер ва кредит ажратиш) ҳал қилиш чораларини кўрсин.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси (Камалов, Сариев) – **45 та** икки қаватли уй-жой, Андижон вилояти (Абдурахмонов) – **1 та**, Жиззах вилояти (Салиев) – **2 та**, Сурхондарё вилояти (Боболов) – **2 та**, Навоий вилояти (Турсунов) – **2 та**, Тошкент вилояти (Хидоятлов) – **8 та** яроқсиз уй-жойларни маҳаллий бюджет ҳисобидан қуриш ишларини **бир ой муддатда** бошласин.

29. Қорақалпоғистон Республикасида яроқсиз уйлар кўплигини инобатга олган ҳолда, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) **бир ҳафта муддатда** жойига чиққан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасидаги **41 та** яроқсиз уйларни янгилашнинг молиявий манбалари бўйича аниқ таклифлар киритсин.

30. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Назиров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда жорий йилда **456 та** авария ҳолатидаги уйларни таъмирлаш чораларини кўрсин.

Бундан ташқари, жорий йилда **2 минг 400 та**, келгуси 2 йилда **4 минг 100 та** кўп квартирали уйларни таъмирлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинсин.

31. Молия вазирлиги (Ишметов) уйларни таъмирлаш ишлари учун жорий йилда **100 миллиард сўм**, маҳаллий ҳокимликлар 60 миллиард сўм ажратиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

32. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Турсунов) иссиқлик тизимини модернизация қилиш бўйича мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш бўйича масъул этиб белгилансин.

33. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Турсунов), Тошкент вилояти (Хидоятлов), Фарғона вилояти (Бозаров), Наманган вилояти (Абдуразақов), Бухоро вилояти (Зарипов), Самарқанд вилояти (Турдимов) билан биргаликда, **2021 йил якунига** қадар **56 та** қозонхона қуриш ва реконструкция қилиш, **205 километр** тармоқларни таъмирлаш орқали **85 мингта** хонадонли **2 мингдан зиёд** уйларни марказий иссиқлик тармоғига улаш чораларини кўрсин.

34. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов, Турсунов), Молия вазирлиги (Ишметов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга биргаликда **икки ой муддатда** мавжуд қозонхоналарни модернизация қилиш дастури тақдимотини ўтказсин.

35. Бош вазир ўринбосарлари А.Раматов, Ж.Қўчқоров, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов), Молия вазирлиги (Ишметов) **бир ой муддатда** турар-жойларнинг марказлашган иссиқлик таъминотини тиклаш, уларни замонавий тизимларга ўтказиш, бунга хусусий секторни кенг жалб қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

36. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Турсунов), Наманган вилояти ҳокимлиги (Абдуразақов), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Хидоятлов) **жорий йил 1 ноябрга қадар** Наманган ва Чирчиқ шаҳарларида марказлашган иссиқлик таъминотининг “**намунавий тажрибаси**”ни яратсин.

37. “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) **йил якунига қадар** марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини **70 фоизга** етказиш бўйича барча зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

Белгилаб қўйилсинки, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Мирзаев, “Ўзсувтаъминот” АЖ раиси в.б. С.Саифназаров билан биргаликда **йил якунига қадар** Ғузор ва Деҳқонобод туманлари марказларини тўлиқ, қолган ҳудудларини камида **50 фоиз** марказлашган ичимлик суви билан таъминлашга **шахсан масъулдир**.

38. “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, барча туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда, **жорий йил якунига қадар** марказий ичимлик суви етиб келган **130 мингта хонадонни** тармоққа улаш ва уларга ҳисоблагич ўрнатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгиласин ҳамда ижросини таъминласин.

39. Сувнинг сифатини аниқлаш учун ҳар бир маҳаллага етказиб берилаётган сувнинг сифати учун Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (Фаттахов) ҳамда ҳудудий сув таъминоти корхоналари раҳбарлари шахсан масъулдирлар.

40. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) **жорий йил 15 июлга қадар** марказлашган сув етказиб бериш қийин бўлган ҳудудлар учун, сув таъминоти корхоналарига **100 та** сув ташиш техникасини харид қилинишини таъминласин.

41. Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки иштирокидаги “Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва сув йўлидаги аҳоли пунктларини сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш” лойиҳасини ўрганиш мақсадида Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Турабов бошчилигида ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳга (Турабов) жойига чиққан ҳолда, лойиҳа доирасида амалга оширилган ишларнинг ҳозирги ҳолати, мавжуд мулклар ва муаммоларни атрофлича ўрганиш ҳамда лойиҳани давом эттириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси юклансин.

42. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев):

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) **жорий йил якунига қадар** Бухоро, Фарғона, Қувасой, Нукус ва Урганч шаҳарларининг иситиш тизимларида когенерация ускуналарини ўрнатиш лойиҳаси бўйича “Жайка” агентлиги билан музокаралар ўтказиб, Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

“Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) билан биргаликда **икки ой муддатда** “Наманган вилоятининг Заркент, Ходикент, Исковот, Булоқбоши, Ёшлик шаҳарчалари ва Наманган шаҳрининг сув таъминотини яхшилаш” лойиҳасини аввалдан молиялаштириш (ретроактив молиялаштириш) услубида бошлаш юзасидан музокараларни ОПЕКнинг халқаро тараққиёт жамғармаси директорлар кенгаши билан келишишни таъминласин.

43. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) билан биргаликда **2022 йил 1 мартга қадар** вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимликларнинг таклифлари асосида Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини 2035 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ишларини якунласин.

44. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов, Саифназаров), Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Давлат геология кўмитаси (Исломов), Ўзгидромет (Хабибуллаев) билан биргаликда **2022 йил 1 июнга қадар** Ўзбекистон Республикасининг “Сув таъминоти, канализация тизимини ривожлантириш ва сув балансини шакллантириш стратегиясини амалга ошириш тўғрисида”ги ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

45. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) **жорий йил 15 октябрга қадар** Жаҳон банки кредит линияларини жалб қилиш ҳисобига “ақлли” ҳисоблагичларни ўрнатиш ва иссиқлик трассалари участкасидаги қувурларни энергия тежайдиган қувурларга алмаштириш йўли билан Чирчиқ шаҳридаги 15 та кўп квартиралли уйлардаги иситиш тизимларини реконструкция қилиш ишларини якунласин.

46. “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Саттаров) **жорий йил 1 сентябрга қадар** Лойиҳалар тайёрланишини молиялаштириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ўлчов асбоблари (сарф ўлчагичлар)ни харид қилиш ҳамда ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича иншоотларни ушбу ўлчагичлар билан таъминлаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ҳамда тендер ҳужжатлари шакллантирилишини таъминласин.

47. “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) **жорий йил якунига қадар** ишлаб чиқарилаётган ва истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик сувининг хавфсизлиги ва сифатини мониторинг қилиб бориш учун республикадаги мавжуд **79 та** лабораториянинг моддий-техника базасини яхшилаш ишларини ташкил этсин.

48. “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **жорий йил якунига қадар** сув ҳисоблагичлари ўрнатилмаган истеъмолчилар учун сув сарфи ҳажмини аниқлашнинг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этсин.

49. “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) билан биргаликда **олти ой муддатда** хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, ичимлик суви таъминоти ва канализация тармоқлари, сув тозалаш ва канализация тизимларини қуришнинг ўртача нархини, шунингдек сув таъминоти ва канализация соҳасидаги лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқсин.

50. “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **жорий йил якунига қадар** ҳудудларда камида 200 та кичик куёш панелларини ишга тушириш чораларини кўрсин.

Бунда ушбу лойиҳаларни марказлашган сув ва электр олиб бориш катта харажат талаб қиладиган ҳудудларда амалга оширилишини назарда тутсин.

51. Молия вазирлиги (Ишметов), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Жиззах вилояти ҳокимлиги (Солиев) Жиззах вилоятининг жами **57 та** маҳалласидаги ичимлик суви тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини 2022-2023 йиллар ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури асосида босқичма-босқич амалга ошириш чораларини кўрсин.

52. Бош вазир ўринбосарлари А.Раматов, Ж.Қўчқоров, Қурилиш вазирлиги (Закиров), Молия вазирлиги (Ишметов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ипотека дастури асосида **бир ҳафта муддат ичида 46 та** массив бўйича тендерларни ҳамда **йил якунига қадар** қурилиш ишларини якунласин.

53. Бош вазир ўринбосарлари А.Раматов, Ж.Қўчқоров, Қурилиш вазирлиги (Закиров), Иқтисодиёт тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, барча туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда янги қурилаётган **183 та** массивларни инфратузилма билан боғлиқ муаммоларини тўлиқ ҳал қилиб берилишини таъминласин.

54. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев):

Қурилиш вазирлиги (Закиров), Кадастр агентлиги (Умаров) билан биргаликда қуриб битказилган уй-жойларни хатловдан ўтказиб, белгиланган тартибда кадастр ҳужжатлари расмийлаштириш ишларини тезлаштирсин;

жорий йил учун тасдиқланган дастур талаблари асосида Тошкент шаҳрида **7000 та** квартиралар қурилиши ва уларни йил якунига қадар фойдаланишга топширилишини таъминласин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев)нинг кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун Янгиҳаёт тумани “Янги Дархон” МФЙ ҳудудидаги 12 гектар, Сергели тумани “Жунарик” МФЙ ҳудудидаги 3 гектар, Яшнобод тумани “Олмос” МФЙ ҳудудидаги 2,7 гектар ҳамда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Қорасув” МФЙ ҳудудидаги 17 гектар ер майдонларини **“E-ijro aukcion”** ягона электрон савдо майдончасига чиқариш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

55. Бош вазир ўринбосари Ж.Кўчқоров, Иқтисодиёт тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов) **10 кун муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2020 йил дастури доирасида субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаларни олган шахсларга ипотека кредитлари ва субсидияларни 2020 йилги талаблар асосида ажратиш;

субсидия олиш учун 2020 йилнинг 31 декабрига қадар топширилган аризаларга берилган хабарномаларнинг амал қилиш муддатини 2021 йил 1 декабрга қадар узайтириш;

қурилиши 2020 йилда бошланиб, 2021 йил 1 октябрга қадар фойдаланишга тайёр ҳолда топшириладиганган квартиралар учун ипотека кредитлари ва субсидиялар ажратишда 2020 йилда амалда бўлган шартлар сақлаб қолиниши;

фуқароларнинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплашга бериладиган субсидиялар олиш учун бир йилда икки мартабагача ариза топшириш имкониятини бериш.

56. Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодиёт тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Марказий банк (Камолов) барча ҳудудларга чиқиб, аҳолига субсидия бериш тартибини тушунтирсин ва бу билан боғлиқ муаммоларни жойида ҳал қилсин.

57. Қурилиш вазирлиги (Закиров) **бир ҳафта муддатда:**

ипотека дастурлари доирасида янги тартиб асосида 2021 йилда кўп квартиралар уй-жой қурилиши учун зарур бўлган цемент ва металл маҳсулотларига бўлган якуний эҳтиёжни аниқлаб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилсин.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида ҳудудларда хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилаётган кўп квартиралар уй-жойлар, улардаги квартиралар ва хоналар сони, майдони, нархи ва жойлашуви тўғрисидаги маълумотларни шакллантирсин ҳамда Молия вазирлигининг Ипотека бозори веб-порталига жойлаштирилишини таъминласин.

58. Бош вазир ўринбосарлари А.Раматов, Ж.Кўчқоров **икки ҳафта муддатда** Осиё тараққиёт банкидан қўшимча равишда ажратилган **50 миллион долларни** ҳудудлар кесимида тақсимлаш, вилоят ҳокимлари **бир ой муддатда** тендерларни ўтказиб, лойиҳаларни бошлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

59. Молия вазирлиги (Ишметов), Ахборот технологиялар ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков) **жорий йил 1 июлгача** ипотека бозори веб-порталини тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

60. Қурилиш вазирлиги (Закиров), Адлия вазирлиги (Давлетов) **бир ой муддатда** хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўп квартирали уй-жойларни қуришда маълумотларни ошкор қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

61. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов **икки ой муддатда** Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ва унинг ўринбосарларининг асосий иш фаолияти йўналишлари ва ваколатларини аниқ белгилаб, тегишли қарор лойиҳасини киритсин.

62. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) ва Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев)нинг Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги “Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУКни “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа дастурлар доирасида Тошкент шаҳридаги кўчаларни ва ички йўللارни қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича буюртмачи этиб белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда, “Тошкент шаҳри минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК томонидан Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги лойиҳа ва пудрат ташкилотлари билан “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа дастурлар доирасида амалга ошириладиган Тошкент шаҳридаги кўчаларни ва ички йўллارни қуриш-таъмирлаш ишлари бўйича тўғридан-тўғри шартнома тузилишига ҳамда буюртмачи фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тасдиқланган харажатлар сметасига асосан молиялаштирилишига рухсат берилсин.

63. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Нарбаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов сенаторлар ва депутатлар томонидан жойларга чиққан ҳолда белгилаб берилган ҳар бир топшириқ ва вазифалар мазмун-моҳиятини туман (шаҳар)лар ҳокимларига ҳамда сектор раҳбарларига тушунтириш ишларини ташкил этсин ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйсин.

64. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар)лар ҳокимлари “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, кўп квартирали уй-жойларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар хусусида маҳаллий телевидениеларда “очиқ мулоқот” ва брифинглар ўтказиб борсин.

65. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев) тегишли вазирликлар билан биргаликда ҳудудларда ипотека дастурларини амалга ошириш, кўп квартирали уй-жойлар массивларини барпо этиш, уларни инфратузилма билан таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари, муаммо ва камчиликлар бўйича муҳокамалар ҳамда таҳлилий кўрсатувлар тайёрлаш, кенг жамоатчилик хабардорлигини оширишга қаратилган ахборот-таҳлилий материалларни ёритиш ишларини тизимли ташкил этсин.

66. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Раматов, Ж.Қўчқоров, Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Турабов ушбу баён топшириқларининг белгиланган муддатларда ва сифатли амалга оширилиши юзасидан тегишли назорат ўрнатилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мунтазам равишда ахборот киритиб борилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

2021 йил “___” июнь

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси раҳбари



З. Низомидинов

2021 йил “___” июнь